

**ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

“Гуманитар фанлар” кафедраси

“ДИНШУНОСЛИК” ФАНИДАН

**“МАЪНАВИЯТНИНГ ПРЕДМЕТИ, РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ
ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ”**

мавзудан маъруза матни

Муаллиф: Алимова Ш.

Тошкент – 2016

1-МАВЗУ. МАЪНАВИЯТНИНГ ПРЕДМЕТИ, РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Режа:

1. Маънавиятнинг таърифи тўғрисида мулоҳазалар ва унинг фалсафий таҳлили.
2. Ислом Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг моҳияти.
3. Мустақиллик йилларида миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.

Таянч иборалар:

Маънавият, миллат, миллий маънавият, умуминсоний маънавият, маданият, мерос, қадрият, мустақиллик

1-масала баёни. Миллий истиқлол туфайли асрий орзу – армони ушалган ўзбек халқи ўзлигини англашга муяссар бўлди. Мустақиллик унга ўз тилини, ўз динини, миллий-маданий мероси-ю, қадриятларини қайта тиклаш, ривожлантириш ва бойитиш берди. Ўтмишини холисона баҳолаш, тарихини бўй-басти ила ўрганиш ва тўғри хулоса чиқариб, ўз келажигини белгилашдек бахтга мушарраф этди. Бу эса миллий маънавиятнинг шаклланиши ва равнақ топишида ижтимоий-сиёсий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида таъкидлаганидек: “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд

бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади”.¹

Мустқаллик йилларида маънавий ўсиш туфайли халқимизнинг дунёқараши тубдан ўзгаргани, демократик тамойиллар асосида яшашга бўлган интилиши кучайгани, ўзини, ўзлигини ёрқин намоён эта бошлагани бу фикрнинг исботидир.

Маънавият бениҳоя кенг қамровли, чуқур мазмун-моҳиятга эга тушунчадир. Унинг шаклланишида Қуръони Карим, тасаввуф таълимоти-ю, ислом фалсафасининг таъсири аҳамиятга эга.

Ислом таълимотининг ислоҳотчилари Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайд “маъни” сўзини моҳият деб таърифлаганликлари бежиз эмас. Чунки, маънавият араб тилидаги “маъни” сўзидан олинганлиги маълум. Шу нуқтаи назардан қараганда “маъни” табиат ва жамиятдаги барча нарсаларнинг, воқеа ва жараёнларнинг моҳиятидир дейиш мумкин.

Қадимги хинд фалсафасида маънавият онгнинг барча кўринишлари — ақл, хис-туйғу, ирода сингариларнинг манбаи эканлиги ҳақидаги фикр илгари сурилган. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, “маънавият шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг инсон онги, хиссиёти ҳамда иродасидаги муштараклигидир” деган фикрга тўхталиш мумкин. Демак, маънавият инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни, маънавият инсоннинг меҳр-мурувват, ҳалоллик, адолат, софдиллик, ор-номус, виждон, юртпарварлик, завқланиш, нафратланиш, ирода, довбюраклик каби қатор хислатлари ва фазилатлари мажмуидир.

“Маънавият асослари” фанининг вазифаси комил инсонни тарбиялашнинг илмий-назарий асосларини яратиш ва тарғиб этишдан иборат бўлиб, у маданий-маънавий меросга таянади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар тўплами, 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 80-бет.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига берган жавобида таъкидлаганидек: “... энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айна замонда шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир”.²

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти етук инсоннинг ички ва ташқи қиёфасини назарда тутиб, озод, эркин, ўз ҳуқуқларини биладиган, муносиб яшаш учун ўзининг куч-қудрати, билим ва тажрибасига ишонган, ўз манфаатини жамият манфаати билан муштарак ҳолда кўрадиган инсонни назарда тутмоқда. Бинобарин, юксак ахлоқий хислат ва фазилатларга эга бўлган кишиларда адолатлилик, меҳр-мурувват, саҳоватпешалик, эзгулик каби тушунчалар тўла шаклланган бўлади. Айниқса, бу уларнинг одамийлигида яққол кўриниб туради.

Тарихдан маълумки, бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш жараёни бирон бир давлатда осон кечмаган. Шубҳасизки, моддий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар баробарида маънавий янгиланишлар ҳам рўй берган. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳаммамизга маълум бўлган маъмурий буйруқбозлик тизимида асосланган тоталитар тузумдан бозор муносабатларига асосланган очиқ фуқаролик жамиятига ўтиш даврида бу жараён яққол кўринди. Чунки, бу даврда одамларнинг турмуш тарзи билан бир қаторда уларнинг онги ҳам янгилана боради. Бошқача айтганда, демократии тамойиллар ҳаётга қанчалик чуқурроқ кириб бориши одамларнинг дунёқараши билан боғлиқдир.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар тўплами, 7-жилд, Т., “Ўзбекистон”, 1999, 304-бет.

Бундай ҳолатда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун кела бошлайди. Масалан, сиёсий жараёнларни оладиган бўлсак, кўппартиявийликка эҳтиёж туғилади. Ягона мафкуравийликка чек қўйилиб, турли мафкуралар ҳақида фикр юритила бошланади. Яъни, плюрализм (кўп фикрлилик) шаклланабошлайди.

Хусусий мулкчиликнинг мавқеи кучаяди. Ижтимоий гуруҳлар тузилиши жиҳатидан ҳам, характери жиҳатидан ҳам ўз мавқеини ўзгартиради. Янги синф-мулкдорлар синфи шаклланиши учун замин вужудга кела бошлайди. Жамоат, давлат, хусусий мулк тузилиши ҳам маконда, ҳамзамонда янгича мазмун касб этади.

Жамоат ташкилотларининг нафақат миқдори, балки уларнинг вазифалари, сифати ҳам ўзгаради. Одамларнинг қалбида янгича яшаш кайфияти кучаяди. Бу эса, мустақил фикрлашга ундайди. Инсон онгида табиий ҳолда ўз қадриятларини, маънавий меросини асраш ва таҳлил қилишиштиёқи туғилади, шунингдек, ўзликни англаш, ким эдигу ким бўлди деган саволларга жавоб излай бошлайди. Ватан, озодлик, тенглик, биродарлик, каби тушунчалар ўз мазмунига кўра янада сержило, серқирра бўлиб кўринади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимиз қалбини тўлқинлантириб юборди. Ўз тили, дини, урф-одатлари, қадриятлари, ўзлиги-ю бойликларидан ажралаётган халқ қаддини кўтара бошлади. Бу жараёнларнинг барчаси инсон манфаати билан боғлиқ бўлгани учун ҳам туб ислохотларни амалга оширишни тақазо этди. Таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга тўғри келди. Янги даврда ишлайдиган ходимларни тарбиялаш, вояга етказиш долзарб масалага айланди. Собиқ иттифок давридаги ўзаро муносабатлар янгича характерга эга бўла бошлади. Республика халқининг турмуш тарзини қайта қуриш учун жиддий ҳаракат бошланиб кетди. Ёш, мустақил давлат ўз Конституциясига эга бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.

Бундай ўзгаришларПрезидентимиз ИсламКаримов номи билан боғлиқ. «Каримов жамият осойишталигини бузишга олиб келадиган, билибми билмайми қилинган ҳар қандай ҳаракатни, ижтимоий омилларни, кучларни

пайини қирқиш бўйича жуда ҳам пишиқ- пухта, бир текис иш кўрди...»³. Ушбу фикрда Ислом Каримовнинг халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга қаратилган ҳаракати ёрқин кўриниб турибди, маънавий-маърифий соҳалар ҳам шу ҳаракат билан боғлиқдир. Мустақилликнинг илк давридаёқ Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир»⁴- деб таъкидланганлиги боисдан ҳам маънавиятга эътибор кучайди. Унинг аҳолини тарбиялашдаги ўрнини белгилаш кун тартибига киритилди.

“Кейинги пайтларда маънавиятга оид эълон қилинаётган китобларда,ўтказилаётган анжуманларда “Маънавият” тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллият тараққиётидаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Ватан туйғуси” китобининг муаллифлари “Маънавият – жамиятнинг миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечишмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча”⁵ деб таърифлаганлар.

Бундан ташқари бир қатор олимларимиз “маънавият-инсондаги ахлоқ, одоб, билим, илм, иймон, ихлос ва инсоният камолоти учун ижобий таъсир қилувчи тизим ёки маънавият-инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий қарашлар йиғиндиси ҳисобланиб, диний ва дунёвий қарашларнинг акс этиш даражасидир”, деб таъриф бериб келмоқдалар.

М.Имомназаров “Маънавият инсон қалбида акс этган илоҳий нур. Олий ҳақиқат нуридир. Шу сабабли инсон кўнглини “ҳақиқат асрорининг ганжинаси” дейдилар. Фақат инсон қалби ўзида ҳақиқат нурини акс эттира олиши учун унга сайқал бермов зарур”⁶. Э.Аъзамов “Маънавият инсонни

³Левитин Л., Ислом Каримов -Янги Ўзбекистон Президенти. Т.: Ўзбекистан, 1996, 10 - бет.

⁴Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар туплами,1-жилд. Т.: “Ўзбекистон”. 1996, 80-бет.

⁵Иброҳимов А. Ва бошқалар. Ватан туйғуси. Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 3-бет.

⁶ Имомназаров М.Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т.: “маънавият”, 1996, 6-бет.

хайвондан фарқлаб турадиган олий қадрият”⁷. Кўриб турганимиздек, маънавиятга берилган таърифлар турлича шаклда бўлса ҳам уларнинг барчаси инсон фаолиятига бориб тақалади. Инсон фаолиятининг турли томонларини баҳолайди. Инсоннинг ички ва ташқи хатти-ҳаракати, гўзаллиги, ҳис-туйғу ва кечинмаларини акс эттиради. Т.Маҳмудов фикрича, “Маънавият-инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоҳати ва дунёқарашни ифодаловчи тушунчадир”⁸. А.Эркаев “Иосн барча тирик мавжудотнинг гултожи, ҳаёт гули дейилганда унинг бксак маънавият эгаси эканлиги назарда тутилади. Маънавият инсонийликка олиб борадиган, инсонни инсон, миллатни миллат қиладиган ажойиб хислат ва фазилатларнинг йиғиндисидир”⁹. З.Ғофуров, С.Тожиевлар “Маънавият инсоннинг билими, тажрибаси ва меҳнат малакаси, одоб-ахлоқи, иймон ва эътиқоди, мафкуравий қарашларининг яхлит тизимидир”¹⁰. А.Эшонқулов “Маънавий етуклик шундай бир хазинаки, уни эгаллаган одам инсоний қадр-қимматни ҳамма нарсадан устун қўя олади, ўз манфаатини ўзгалар манфаати билан қўша олади, ҳаёт-мамонт масалалари ҳал бўлаётган дамларда ақл-идрок доирасидан чиқмайди”¹¹. Бизнингча, маънавият инсонда юқори даражада такомил топган инсонпарварлик хислатларнинг йиғиндисидир. Таърифлардан кўриниб турибдики, маънавият бениҳоя кўп қиррали, чуқур мазмун ва моҳиятга эга бўлган фалсафий тушунчадир. Маънавият кенг қамровли бўлганлиги туфайли тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънода маънавият инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи тушунча сифатида ишлатилса, кенг маънода эса инсон унга амал қилиш жараёнлари тушунилади.

Юқоридаги таърифларда инсоний фазилатларга эътибор қаратилган бўлсада, юксак маънавий жиҳатларни ниҳоятда ноёб хислат эканлигини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Туркистон” газетаси муҳбирининг саволларига жавобларида атрофлича акс

⁷ Аъзамов Э. Юксак поғона. Маънавиятнинг ойдин йўли. Т.: “Маънавият”, 1996, 32-бет.

⁸ Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т.: “Ўзбекистон”, 2001, 9-бет.

⁹ Эркаев А. Эзгулик сари йўналтирилган ирода. “Тафаккур”, 1997 йил, 3-сон, 14-бет.

¹⁰ Ғофуров З., Тошев С. Маънавиятнинг сабоқлари. Қарши “насаф”, 1998 йил, 11-бет.

¹¹ Эшонқулов А. “Маънавият тарбияси”. Мулоқот, 1997, 1-сон, 20-бет.

этганлигини кўрамиз. “Маънавият деганда, - деган эди И.А.Каримов, - авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон- эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан»¹².

Ҳақиқатдан ҳам, маънавият деганда инсонларда шу хислатга оид жараёнларни мужассамлашганлигини эътироф этибгина қолмасдан, балки инсонларни руҳан покланишга, турли ножўя хусусиятлардан узок бўлишга ёрдам берадиган хислатларни ҳам тушуниш керак. Бинобарин, ҳар бир инсон нафақат жисмонан улғайиши балки, унинг қалбидаги инсонийлик хислатлари ўсиб-улғайиши, кенгая бориши, сермазмун бўлиши талаб этилади. Маълумки, инсоннинг ички дунёси ҳам бир уммондир. Бу уммондаги ижобий соҳалар кучлироқ, бақувватроқ бўлгандагина у юксак маънавиятли бўла олади. Юксак даънавиятли одамлар қанчалик кўп бўлса, бу ўз навбатида қуриладиган янги жамият пойдеворининг мустаҳкам бўлишига ёрдам беради. Демак, юксак маънавият бу - Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти айтганидек, иймон-эътиқодни бутун қиладиган инсонпарварлик, жамиятпарварлик, виждонни кучли қиладиган фазилатлардир.

Ҳар бир инсонни қамраб олган маънавият оддийликдан мураккабликка қараб бориши, яъни юксак маънавиятлиликини мужассамлаштириши лозим. Инсон яшашининг моҳияти юксак маънавиятлилиқдадир. Юксак маънавиятлилиқнинг қирралари кўп ва сермазмундир. Юксак маънавиятни ҳдди йўргакдаги гўдакдан талаб қилинмасада уни шунга тайёрлаш, инсонийлик хислатларини шакллантириш ўта долзарбдир. Шу сабабли ҳам “гўдак маънавияти” деган ибора халқимиз ўртасида йўқ. “Гўдак одоби” ҳақида фикр юритилади. Демак, одобли бўлишнинг ўзи юксак маънавиятли бўлиш учун кифоя бўла олмайди. Аммо инсонда юксак маънавиятнинг шаклланишида одоб-ахлоқнинг ўрнига тенг келадиган жараён йўқ. Одобли, ахлоқли болалар юксак маънавиятли шахс бўлишга интиладилар. Бола шахсга

¹²Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар тўплами. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 302-303-бетлар.

айланиши учун у ўзини чуқур таний билиши “мен”лигини кўрсатиши керак. Бу “мен”лик аста-сеъсинлик билан амалга ошади. Бола ўзини таниши, яъни инсон бўлиши учун аввало ўз она тили, миллати, миллатининг анъаналари, кадриятлари билан таниша бориб, ўтмиш, ижодиёт, тарих, иқтисодиёт, ижтимоий фаолият, маданий-маънавий турмуш тарзи билан ўз «мен»лигини бойитиб бориш орқали юксак маънавиятли бўлишга замин ҳозирлайди.

Инсон маънавиятининг моҳияти диалектик характердадир. Унинг турли томонлари бир-бири билан боғланган. Шу сабабли маънавиятнинг моҳиятини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов қуйидагича изохлаганлар: «Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир Олам. Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан санқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини халқнинг бир зарраси, деб сезгандагина, уҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади. Бизнинг одамларимиз Ватандан узоқлашганда жуда изтироб чекадилар, чунки уларнинг маънавият чашмаси гўё узоқлашиб кетгандай бўлади. Шунинг учун ҳам халқ Ватандан йироқликни оғир қабул қилади, чунки унда ҳар бир кадрдон киши учун қайғурадиган умумий қалб бор»¹³.

Демак, инсоннинг ички ва ташқи оламини намоён этувчи мураккаб жараён ва ҳис-туйғулар йиғиндиси бу шубҳасиз – маънавиятдир. Лекин бу ҳали тўлиқ маънавият эмас. Тўлиқ маънавият юксак маънавиятни инсон томонидан қанчалик сингдирилганлигига боғлиқдир. Юксак маънавият

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар тўплами. 1-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1996, 80-81 бетлар.

инсоннинг миллатнинг ақлий салоҳиятини ўзлаштирганлиги билан ўлчанади. Юксак маънавият инсонда намоён бўлиши унинг табиатлашуви, жамиятлашуви, инсонлашуви кабиларни тақозо этиши керак. Бу жараён инсоннинг маърифатлашувига, илмийлигига боғлиқдир. Илмдан тўғри фойдаланиш, ундан тўғри хулоса чиқариш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Баъзилар ўзлари билган, эътиқод этган илмдан ўзгаларни баҳраманд этмайдилар.

Юксак маънавиятли бўлиш маърифий соҳаларни ҳам камраб олади. Инсоний фазилатларнинг аксарият қисми билимдонликка боғлиқ. Билимдонлик эса маърифатлилик демакдир. Юксак маънавиятли бўлиш илм ва маърифатга ҳам боғлиқ. Юксак маънавият илм орқали ҳам шаклланадир экан, билим ҳам ўзи хусусиятларига эга. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга»лиги бежиз қонунан мустаҳкамлаб қўйилмаган.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Оллоҳ таоло менга юборган ҳидоят (Оллоҳ таоло бандаларига кўрсатган тўғри йўл, йўлланма) сингари илм ҳам кўп ёққан ёмғирга ўхшайдир: баъзи ер соф, унумдор бўлиб, ёмғирни ўзига сингдирадирда, ҳар хил ўсимликлар ва кўкатларни ўстирадир ва баъзи ер курғоқ, қаттиқ бўлиб, сувни эммасдан ўзида тўплайдир, ундан Оллоҳ таоло бандаларини фойдалантирғайдир. Одамлар сувдан ичғайдирлар, ҳайвонларни ва экинларни суғорғайдирлар. Баъзи ер эса текис бўлиб, сувни ўзида тутиб қолмайдир, кўкатни ҳам кўкартirmaйдир.

Буларни қуйидагича мулоҳаза қилиш мумкиндир: бир киши Оллоҳ илмини (исломни) теран ўрганадир, теран тушунадир ва ундан маърифатланадир ва Оллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатадир. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатадир. Аммо ўзи амал қилмайдир. Учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайдир, ўзгаларга ҳам ўргатмайдир. Булардан биринчиси мўъмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси кофирдир». Бу сермазмуни ҳадисларни ўрганиш ҳам маърифатга бориб тақалади.

Демак, маънавият тушунчаси маърифат билан ҳамоҳангдир (ёки бу тушунча маърифат тушунчаси билан узвий боғланган). Шу туфайли маърифат, маънавият тушунчалари бир-бирини тўлдирувчилардир дейиш мумкин. Улар диалектик боғланган. “Маърифат” сўзи яқка ва кўплик маънода ишлатилади. Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, «билиш», «билим», «таниш» каби маъноларни билдиради. Кўплик маънода маориф, таълим жараёнларини эслатади. Маърифат «маъруф» сўзига ҳамоҳанг ва яқиндир. «Маъруф» сўзи олийҳиммат, яхшилик қилувчи маъноларини англатади.

Бу сўз Европада биринчи марта атоқли немис файласуфи И. Кантнинг «Маърифат нима?» номли мақоласи босилиб чиққандан сўнг, кенг қўлланила бошланган. Маърифат инсоннинг билим даражаси ва унга алоқадор бўлган жиҳатларни акс эттирувчи тушунчадир. «Маърифатли инсон» сўзи ишлатилса, демак, у ёки бу инсон билимли, билимдон, ўқимишли, кўп нарсани мушоҳада қиладиган инсон сифатида гаевдаланади. «Маърифат»сиз, деганда шу жараёнлардан хабарсиз киши тушунилади. Демак, маърифат деб, инсоннинг умумий маънавий маданияти, савиясини юксалтиришга қаратилган таълим ва тарбиявий билимларга айтилади.

Маърифатли инсон билимлидир. Билим инсоннинг фазилатини улуғловчи хусусиятлардан биридир. Билим олиш маърифатли бўлиш, турли соҳаларда маънавий ва моддий галаба қилиш учун зарур. Билимсиз, маърифатсиз киши ҳимоясиздир. Маърифат орқали инсон ўз онгинибойитади ва *барчамоддий*, маънавий *бойликлардан бахраманд бўлади*. «Маърифатнинг мақсади характери тарбиялашдан иборат» деган эди инглиз файласуфи Герберт Спенсер. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш жараёнларида инсонлар маърифатли бўлмас эканлар, улар ҳаёт қийинчиликларига бардош бера олмай, қийналадилар.

Билимли, маърифатли кишиларнинг кўпайиши жамият бойлигидир. Бахтиёр келажак билим билан яратилади. Истикболнинг кафолати билимли кишилардир. Маънавиятни юксалтириш ҳам маърифатга боғлиқдир. Миллий қадриятларни, унинг тарихини, келажagini англаш маърифат орқали

амалга ошади. Бунинг учун билим билан қуролланмоқ керак. Яхши яшаш, бахтли бўлмоқ ҳам билим орқали амалга ошади. Инсон қйнчалик кўпбилса, унинг куч-кудрати шунчалик ошаверади. Теварак-атрофни билиш, жамият тараққиётини тушуниш, ходисаларга баҳо бериш ҳам билим ва маърифат орқали амалга ошади. Машхур файласуф Ф. Бекон фикрича, «Билим-куч, куч эса билимдир». А.Рудакий айтадики: «Билим барча кулфатларга қалқон». Илмли ва маърифатли бўлиш чексиздир. Буюк файласуф Пер Лапласнинг фикрича, «Билганларимизнинг чеки бор, билмаган нарсаларимизнинг эса ҳад чегараси йўқ». Ёки аллома А. Фирдавсий таъбирича:

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,

Шунда билурсанким, илм бепоён.

Инсон билим орқали дунёни қанчалик кўпбилиб борса, ўз фаолиятини ҳам шунчалик яхши англай боради. Умрнинг зийнати, мазмуни ҳам инсоннинг ўз билими орқали юқорига қараб интилишидадир. Билим олиш учун вақтни аямаслик, вақтдан фойдаланиш лозим.

Демак, инсон маърифат ва билим орқали юксак маънавиятлилик чўққиларини эгаллайди, баркамол, комил инсон бўлиб етишади. Шу сабабли «Маънавият асослари» фани комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишда муҳим ўрин тутadi. Бу вазифа маънавият қирраларидан ташкил топади. “Маънавиятасослари” баҳс юритадиган соҳалари ҳам шу қирралардан иборат. Буларга қуйидагилар киради: умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, диний эътиқод, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат, мустақилликни мустаҳкамлаш тафаккури, билимдонлик, дўстлик, ростгўйлик, адолатпарварлик, иймон-диёнат, меҳр-шафқат, комил инсон, баркамол авлод, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий маънавият, маънавий маданият, меҳр-муҳаббат, ёвузлик, золимлик, шуҳратпарастлик, ҳаёлпарастлик, урф-одатлар, ёлғончилик, кўрқоқлик, ботирлик, мардлик, одоблилик ва одобсизлик, камтаринлик, самимийлик, ҳақгўйлик, дўстлик, соддалик, ҳалоллик, ор-номуслилик, инсонийлик, байналминаллик, меҳнатсеварлик, бахт-саодатлилик, совуққонлик, тухмат ва мақтов, донолик, олимлик, эркинлик, виждонлилик,

инсонийлик; оилавий муносабатлар, севги ва рашк, иродалилиқ, сабр-тоқатлилиқ, икки юзламачилиқ, такаббурлик, ёшлиқ, кексалиқ, мактанчоқлик, миллий ғурур, миннатдорлик, мансабпарастлик, ғаразғўйлик, беодоблик, кадр-қиммат, маданияти, муомала маданияти, эзмалиқ, журъатсизлик, димоғдорлик, ақллиқ, бекорчилиқ, ўғит-насихатлар ва бошқалар.

Тўғри, маънавиятнинг қирралари битмас-туганмасдир. Биз бу ерда инсон маънавиятига тегишли баъзи бир фаолиятларни келтирдик, холос. Маънавият фани мавзуларига киритилган бу тушунчалар асосий мавзуларни тўлдиришга ёрдам беради. Мазкур тушунчалар “Маънавият асослари” фанининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Бу тушунчалардан асосий мавзулар танлаб олиниб, маънавиятнинг таркибий қисмлари шакллантирилади ва шулар орқали «Маънавият асослари» ўргатилади.

Жамият тараққиётининг асосини ташкил этадиган маънавий мезонлар ва тамойилларни, шу соҳага хос нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнларни акс эттирадиган энг муҳим ва умумий тушунчалар тизими. Маънавиятнинг мазмун-моҳиятини, унинг бошқа соҳалардан фарқини, ўзига хос хусусиятлари ва намоён бўлиш шакллари ифода этади. Улар шу соҳадаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим, алоҳида жиҳатларини эмас, балки умуман, инсоннинг маънавий ва руҳий оламига, ғоя, ахлоқ, маърифат, маданият, дин ва бошқа умумий белгилар, алоқалар ва муносабатларни ҳам акс эттиради. Маънавият категориялари маънавий ҳаётни чуқур ва мукаммал ифодалаши, унинг барча соҳаларида амал қилиши билан бу борадаги оддий тушунчалардан фарқ қилади. Шу туфайли ушбу соҳага алоқадор ҳар бир аниқ тушунчанинг хусусияти ва белгиларини англашда маънавият категорияларига асос ва мезон сифатида мурожаат этилади.

Маънавият категориялари тизимини таърифлашда ахлоқ, маданият, ғоя, мафкура, маърифат ва дин билан боғлиқ бошқа кўплаб хусусий тушунчаларни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Улар маънавият категориялари тизимининг таркибий қисми бўлиб, маънавият категориялари ушбу тушунчалар учун

умумий мезон вазифасини бажаради. Маънавият категориялари бир томондан, инсон тафаккури махсули, иккинчи томондан, маънавий воқеа ва ҳодисаларнинг инсон онгида акс этиш натижаси, учинчидан эса инсон онгини воқеликка яқинлашиши ва дунёни билиш воситасидир.

Маънавият категориялари маънавий ҳаёт ҳодисаларини англашда назарий ва методологияҳамият касб этади. Бунда маънавият категориялари биринчидан, инсоннинг жамиятдаги ҳодисалар моҳияти ва мазмунини, уларга хос қонуниятларни англаш жараёнида эришган билимларининг натижаси, иккинчидан, ҳаётни яна ҳам чуқурроқ билиш ва унинг сирлари ҳамда қонуниятларини очишда қўлланиладиган муҳим илмий воситалар ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиб ёки мутлақлаштириб юбориш нотўғри. Чунки маънавиятнинг ўзи бир-бутун, яхлит ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлганидек, маънавият категориялари ҳам ўзаро алоқадорликда намоён бўлади.

Илм-фаннинг вазифаси уларни бир-биридан фарқлай олиш ҳамда умумий алоқадорлик ва бир бутунликда тадқиқ этиб, маънавиятнинг хусусият ва белгиларини очиш, амалиётда унинг имкониятларидан ижодий фойдаланишга кўмаклашишдан иборатдир. Илмий-назарий ва методологияи нуқтаи назардан олганда, маънавият категориялари объективаҳамиятга эга. Маълумки, категорияларни тарихда биринчи бўлиб, Аристотель таърифлаб берган ва бу ижтимоий фикр тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонунлари, тамойиллари, категория ва тушунчаларига эга бўйган фанга айланган. Бу масалага кўплаб мутафаккирлар ва атоқли файласуфлар ҳам каттааҳамият берганлар. Масалан, Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» китобида инсонга хос хислат ва фазилатларни «Яхши хулқлар» ва «Ёмон хулқлар»га ажратган, уларни миллий педогогика нуқтаи назаридан таърифлаган.

Аммо, маънавиятшунослик ҳозиргача алоҳида фанга айланмагани учун унга хос қонун ва категориялар, тушунча ва тамойиллар умумий тизимга келтирилмаган эди. Ҳозирги замон илм-фанида бу масала Ўзбекистон

Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият - энгилмас куч» асари мазмун- моҳияти билан ҳал этилди. Мазкур асарга таянган ҳолда маънавият категорияларининг маъноси, намоён бўлиш хусусиятлари ва шакллари муайян тизим сифатида тавсифлаш учун назарий-методологик асослар яратилди.

Асардаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб айтганда, маънавият категорияларининг ҳар бири узоқ тарихий жараёнлар натижасида шаклланган ва инсоният ҳаёти ҳамда жамият таррақиёти учун муҳим аҳамият касб этган кенг маъноли тушунчалардир.

Маънавият, ғоя, мафкура, маданият, маърифат, дин, ахлоқ, нафосат бу соҳадаги асосий категориялар тизимини ташкил қилади. Шунингдек, инсонга хос руҳият, унинг қалби ва онги, маънавий қиёфаси, ҳис-туйғулари ва кечинмалари мажмуи ҳам ана шу тизим доирасига киради. Ушбу категориялар инсоният тарихи ва жамият тараққиёти жараёнида бирданига ва бир йўла шаклланиб қолмаган. Шубҳасиз, инсоният узоқ давом этган тарихий жараёнда маънавий ҳодиса ва нарсаларга хос хусусиятлар ва белгиларни чуқурроқ англаб, улардаги жузъий ва умумий томонларни муттаасил ўрганиб борган.

Ана шу асосда эзгулик, яхшилик, адолат, дўстлик, бағрикенглик, меҳроқибат, садоқат, вафо, эътиқод, иймон каби кўплаб тушунчалар шаклланган. Улар инсон камолоти, жамиятнинг маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб бораверган. Шу маънода маънавият категориялари инсоннинг ҳаёт ҳодисалари ва улар билан боғлиқ воқеликнинг моҳиятини, умрининг мазмуни ва маъносини, ўзининг жамиятдаги ўрни ва қадр-қимматини муттаасил англаб бориши натижасида шаклланган тушунчалардир.

Маънавият категорияларининг намоён бўлиш шакллари борасида ўз аҳамиятини, ижобийлик ҳамда фойдалилик хусусиятларини доимо сақлаб қоладиганлари ҳам бор: инсон вужудининг тириклиги, унинг умри ва ҳаёти, сиҳат-сағюматлиги, соғлом насл ва авлодлар ворислиги, ижтимоий фаолияти ва муносабатлари, меҳнати, билими, муомаласи. Булар инсон ва жамият бор экан, ўзининг ижтимоий аҳамиятини сақлаб қолаверади, уларнинг қарама-

каршиси бўлган ўлим, касаллик, маъносиз ҳаёт кечириш, билимсизлик ҳам тарихий жараёнларнинг доимий ҳамроҳидир.

Таррақиётга интилиш бор экан, таназзул ва бошқа иллатлар инсониятни доимо таъқиб қилади. Юқоридаги ижобий категорияларнинг аҳамияти ҳам уларга *тескари бўлган жиҳатларга нисбатан солиштириб, аниқланади. Маънавият* категорияларининг энг олий шаклларига идеал категориялар сифатида қаралади. Жамият тарихининг ҳамма даврларида одамлар эзгу идеалларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайдилар. Кундалик ҳаётда ва илмий адабиётларда энг олий идеал категорияларга нисбатан бир қатор ибора ва тушунчалар кенг қўлланилади: маънавий ва ахлоқий покликнинг умумий белгиси - яхшилик; нафосат белгиси - гўзаллик мазмунга эга бўлиб, маънавий ҳодисалар ва жараёнлар туфайли рўёбга чиқади, намоён бўлади, ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи воқелик сифатида инсон тафаккурида шаклланади. Уларнинг ҳар бири маънавият йўналишидаги барча фанлар учун илмий-методологик аҳамиятга эга бўлган умумий категориялар ҳисобланади.

Хуллас, маънавият категориялари моддий оламдан, унинг тушунчаларидан тубдан фарқ қилади. Кўп ҳолларда уларнинг баҳоси ва қийматини аниқ рақамларда ифодалаш қийин, уларга хос хусусият ва қадрли жиҳатларни муайян фоизлар ва кўрсаткичлар билан ўлчаб бўлмайди. Бу борада ушбу тушунчаларнинг қадри, инсон ва жамиятга таъсири муҳим аҳамият касб этади. Аслини олганда маънавият категорияларининг аниқ формуласи, тимсолини топиш қийин, уларнинг мазмун-моҳияти, қадри ва аҳамиятини кўпроқ қиёслаш ва таққослаш орқали билиб олиш мумкин. Шу маънода маънавият категориялари инсон ҳаётининг ажралмас қисми, жамиятда амалга ошаётган ўзгаришлар ва жараёнларнинг инсон онгидаги инъикоси, ҳақиқий мезони, башарият доимо интилиб яшайдиган мақсад ва идеаллар мажмуи, ҳамма замонлар учун уларнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган энг муҳим умуминсоний қадриятларнинг ифодаси бўлиб қолаверади.

Юқоридагилардан ташқари, маънавиятнинг бошқа бир қатор тушунчалари ҳам бор. Бу ерда гап уларнинг ҳаммаси устида тўхталиш ҳақида эмас, балки маънавиятнинг кўп қиррали, кенг қамровли эканлиги, у инсон онги руҳияти, ички дунёсининг салоҳияти, ҳатти-ҳаракатлари каби бир қатор масалаларни ўз ичига олишини тушуниб етиш ҳақида бормоқда. Маънавиятни қайд этилган тушунчаларни уйғун ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маънавиятни ривожланиши ҳам маълум қонуниятларга таянади. Гарчи бундай қонунлар бир неча йўналиш ва жараёнларни ўз ичига олса ҳам, уларни икки йирик гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти билан боғлиқ бўлган қонуниятлар киради. Яъни шахс, миллат ёки жамиятнинг ички салоҳияти мустаҳкам, заминлари чуқур бўлиши маънавият ривожланишининг асосини ташкил этади. агар ички салоҳият ночор бўлса, шахс баркамоллик даражасига, миллатнинг бир бутунлигини сақлашга ва айни пайтда жамиятнинг юксак тараққиёт поғонасига эришишига салбий таъсир қилади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ички салоҳият асосий таянч ва объектив заруриятдир. Ички салоҳиятнинг даражаси эса объекти ва субъектив омиллар билан боғлиқ бўлади. Унинг ривожланиши уларнинг уйғун ҳолатда бўлишини тақозо этади.

Ички салоҳиятнинг мустаҳкам бўлиши, тарихий тараққиёт босқичи ёки шахс шаклланиш жараёни қандай мураккаб бўлмасин, барибир зарурий шароитлар юзага келган пайтда шахс маънавий камолотини ва миллатнинг юксалишини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчи гуруҳ қонуниятларига шахслар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида содир бўладиган “ўзаро таъсир” ва “ўзаро бойитиш” орқали бўладиган жараёнлар киради. Яъни шахс маънавий камолоти онадан туғилиши билан юзага келмайди. Худди шунингдек, миллат ҳам тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида бошқа халқлар, миллатлар билан ҳамкорлик натижасида юзага келади. Ҳеч қачон шахс, инсон ўзгаларсиз яшай олмаганидек, миллат ҳам бошқа миллатлар, халқлар билан алоқа қилмасдан

тараққий қила олмайди, боз устига бугунги кунда дунёда “соф” миллат борлигига ҳеч ким гувоҳлик ёки кафолат бера олмайди. Жамият ҳам худди ана шу қонуният асосида ривожланади.

Маънавият ана шу ўзаро муносабатлар ва “таъсир”лар асосида ривожланиб боради. Бу жараёнда бир томон иккинчисига нимадир “беради”ва ниманидир “қабул” қилади. Шундай қилиб, маънавият ривожланишидаги “таъсир” ва “акс таъсир” қонунияти мавжуд бўлиб, у маънавиятнинг ривожланиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳар томонлама асослаб берилган мазкур қонунлар хилма-хил тарзда, турли шаклларда намоён бўлсада, жамиятдаги талаблар, яшашнинг қонун-қоидалари, инсон умрининг мазмуни ва ҳаёт мезони сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолаверади. Бу борада маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, маънавиятнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги; маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги ҳақидаги қонунлар муҳим аҳамиятга эга.

Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги қонунининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларига «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида алоҳида эътибор берилган. Китобда моддий ва маънавий оламнинг уйғунлиги бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсланиб, жамиятдаги ҳар қандай тараққиёт, ўсиш ва ўзгаришларнинг заминида ана шу икки омилнинг узвий алоқадорлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги мисол ва далиллар асосида кўрсатиб берилган. Маълумки, инсон ва жамият ҳаётида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири устуворлиги тўғрисида хилма-хил қарашлар ва ёндошувлар мавжуд.

Қадимги юнон файласуфларидан ҳозиргача баъзи файласуфлар руҳий оламини, маънавиятни бирламчи деб билсалар, бошқалар эса моддийликни асосий ўринга қўядилар ва шу асосда материализм ва идеализм каби оқимлар ҳам шаклланган. Аслида моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига

карама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билиш, бошқасини эътиборга олмаслик масалага бир ёқлама қарашнинг яққол ифодасидир. Бундай бир ёқлама ёндашув ҳаёт талабига жавоб бермайди, албатта. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги қонуни эса бундан фарқ қилади, у биз яшаётган ҳаётни ягона ва яхлит воқелик сифатида тушуниш имконини яратади.

Юқоридаги асарда маънавиятнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги қонуни ҳам асослаб берилган. Ушбу қонун муайян миллат, жамият ва давлат ҳар бир тараққиёт босқичида шу даврга хос иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ривожлантириш тамойиллари сингари ўзига мос келадиган маънавий, маърифий ва ахлоқий тартиблар ҳамда тамойиллар тизимига ҳам эга бўлишининг тарихий зарурат эканини ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам, инсон ва жамият ҳаётини маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмагани каби, маънавиятни ҳам инсон ва жамиятдан ажратиб бўлмайди.

Жамиятдаги ўзгаришлар муқаррар равишда маънавиятга, маънавиятдаги ўзгаришлар эса жамиятга ўз таъсирини ўтказиш шубҳасиз.

Инсоният тарихи ва тараққиётига мазкур қонун нуқтаи назаридан қараш ҳар бир даврнинг тузилишига муайян маънавий қадриятлар тизими мос келишини ва бу тизим ижтимоий воқеаҳодисалар билан боғлиқ тарзда намоён бўлишини кўрсатади. Ғоявий, ахлоқий, маданий, маърифий ва бошқа соҳаларга алоқадор тушунча ва тамойиллар ҳам ушбу тизимда ўзига хос ўринни эгаллайди, улар орасидаги фарқ, тафовут ва муносабатлар эса тизимдаги умумий ўзгаришларга боғлиқ бўлади.

Маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги қонуни ҳодисанинг ўтмишдан келажакка томон ривожлантириш жараёнидаги тарихийлик ва замонавийлик, инкорни-инкор, ворислик ва янгиланишнинг узлуксизлиги ва давомийлиги билан боғлиқ тамойилларнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Мазкур қонуният Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида қуйидагича асослаб берилган: «...маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом

этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдиға қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади»¹⁴.

Ушбу қонуниятға кўра, тараққиёт жараёнида бир босқичдан бошқасига ўтилганида иқгасодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ўзгариш бўлгани сингари, маънавият соҳасида ҳам янгилашни рўй беради. Бунда барча маънавий мезонлар бутунлай йўқолиб кетмайди, балки янги даврнинг ижтимоий тузилишига ва замон талабларига мос келадиган, эскисидан фарқ қиладиган янги маънавият тизими шаклланиши заруратга айланади.

Бундай ҳолатларнинг узлуксиз такрорланиши эса маънавиятнинг ижтимоий воқелик ва тараққиёт билан боғлиқлигини ифодаладиган қуйидаги муҳим хулосага келиш имконини беради: муайян ижтимоий воқеликка (яъни инсоният тараққиётининг бирон бир даврига, жамиятнинг ривожланиш босқичига ёки давлат шаклига) муайян маънавий тушунча ва тамойиллар тизими мос келганидек, ўзгарган ижтимоий воқеликка ҳам ўзгача маънавият тизими мос келади. Ижтимоий воқелик ёки маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар бир-биридан қисман илгарилаб кетиши ёки орқада қолиши ҳам мумкин, аммо бу мазкур қонданинг бутунлай бузилиши дегани эмас. Ана шу қоида маънавий ҳаётнинг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқлик қонунининг асосий мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Шунингдек, маънавий ҳаётнинг ғоя, мафкура, ахлоқ, маданият, маърифат билан боғлиқ қонун ва тамойиллари ҳам бор. Улар юқорида кўрсатилган қонунлар билан бирга маънавиятга хос қонун-қоидалар тизимини ташкил қилади ҳамда шу соҳадаги нарса ва ҳодисалар, воқеа ва жараёнлар орқали намоён бўлади. Мазкур тизимни ҳозирги замондаги ўзгаришлар билан боғлаб ўрганиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб.этади. Бу айниқса, ҳозирги даврда жаҳонда, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам рўй бераётган ўзгаришларнинг маънавият соҳасидаги хусусиятларини билиб олиш, илмий далилларни тажрибада қўллаш, мазкур йўналишдаги вазифаларни аниқлаш, зарур чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

¹⁴КАримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008. 171-бет.

2-масала баёни. Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукамал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти» номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифа-ларини ҳам белгилаб берди. Умуман бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Ислам Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади» - деб кўрсатган ва қуйидагиларни белгилаб берган:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлан-тириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

■ ватанпарварлик¹⁵.

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, Ислон Каримов шундай ёзган: «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб - асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир»¹⁶.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ўз асарида маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини белгилаб берган.

Муаллиф халқимизнинг маънавий илдизлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлайди, уларни қайта тиклаш ва янги мазмун билан бойитиш зарурлигини стратегик вазифа сифатида белгилайди. Бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаётганимизга асосий сабаб шуки, муаллиф кейинги асарларида ҳам маънавий меросимизни қайта тиклаш ғоясини ижодий ривожлантиради ва унинг миллатимиз маънавий тараққиёти учун асосий йўналиш бўлишини асослаб беради.

Ислон Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, «Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир».

Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини талабаларга етказиш муаллимнинг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки миллий

¹⁵Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: Ўзбекистон, 1993, 74-бет.

¹⁶Ўша жойда.

маънавиятимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир.

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти шундай ёзади: «Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган»¹⁷.

Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган: «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади»¹⁸.

Ислом Каримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа эканлигига эътиборни қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди...»

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки: биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни

¹⁷Ўша асар 78-бет.

¹⁸Ўша жойда.

ривожлантормасдан, шахснинг маънавий-руҳиятини ўзгартормасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига асосий эътиборни қаратган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқартирувчи улкан омил эканлигини илмий асослаганлигидир.

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз Ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади. Муаллим талабалар диққатини худди мана шу ғоянинг моҳиятини тушуниб етишга қаратиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти мазкур асардаги миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларини ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, янги мазмун билан бойитган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Амир Темур - фаҳримиз, ғуруримиз», «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин», «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз («Туркистон» газетасининг муҳбири саволларига жавоблар)», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда («Туркистон пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига

жавоблар)», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз», «Миллий мафкура - келажак пойдевори», «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман («Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар)» каби асарлари, нутқлари ва мухбирлар саволларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг юқоридаги асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;

- миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шунинг билан бирга истиқболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси биринчи

Президенти «Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табарруқ тупроқдан буюқ алломалар, фозилу-фузолар, олиму-уломолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан.

Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди»¹⁹ - деб таъкидлайди. Унинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»²⁰ - деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиш зарурлиги миллий маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ислом Каримов миллий мафкуранинг миллий маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий мафкура-миллатни бирлаштиради, мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Миллий мафкура воситасида эл-юрт бирлашади ўз олдига буюқ мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади²¹»-деб таъкидлайди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ўз навбатида миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белгилаб беради: «... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишлик олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур»²² лигини белгилаб беради.

¹⁹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т: Шарқ, 1998, 3-4 бетлар.

²⁰ Ўша асарда 5, 10-бетлар.

²¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон. 1998, 4,2,15-бетлар.

²² Ўша асар. 15-бет.

Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукумронлигидан озод бўлиб демократик жамиятни куриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўровонлик асосида курилган жамиятдан маърифатли инсон манфатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради. Ўз умрини узайтириш учун жон жаҳди билан қаршилик кўрсатади, янги жамият эса қисқа муҳлатда курилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият таффақурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилади.

Мамлакатимизда ана шу буюк муаммоларни ҳал этиш жараёнлари кетмоқда. Уларни маваффақиятли ҳал этишда эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Шунинг учун ҳам президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечаётганлига қарамасдан кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни амалга оширишда раҳбарлик қилмоқда. У Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида бу дастурнинг аҳамиятини шундай таъкидлади: «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохатларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»²³.

²³ Баркамол авлод орзуси. Т: Шарқ, 1999, 9-бет.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш заруриятини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши, юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидойи ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлодни назарда тутилади. Шунинг учун ҳам у «...фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади»²⁴ - деган ғояни илгари суради.

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан илмий асосланган.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукаммал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимига кириб бориши тезлашади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, у «Фидокор» газетаси мухбири берган саволларига берган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ўзбек тилида ёшларимизга етиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилиб шундай таъкидлайди: «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр

²⁴ Президент И.А.Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи: -Халқ сўзи, 1999 йил 8 декабр.

этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий карашлари билан яхши таниш эмас Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изох ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?»²⁵.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти миллий-маънавий ривожланишимизни жаҳон халқларининг илғор маънавият тафаккури тараққиёти билан уйғун равишда ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланишнинг илмий-назарий концепцияси жуда катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу мустақиллик йилларида маънавий тараққиётимизда қўлга киритилган ютуқлар мисолида ўз тасдиғини топди.

Маънавиятнинг инсон ва миллат камолотидаги ҳамда жамият тараққиётидаги ўрнини аниқ билиб олиш ҳамда шу асосда уни ривожлантириш, унинг моҳиятини ҳамда мазмунини илмий таҳлил қилишни тақозо этади.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, собиқ шўролар тизими шароитида маънавият бугунги ҳолатда ўрганилмаган. У маънавий маданиятнинг тармоғи сифатида ёки олимлар асарларида тилга олинган холос.

Бу жуда мураккаб масалага шу даражада «эътиборсизлик» атайлаб қилинган. Чунки у шахс ва миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омилдир, шунинг учун шахснинг руҳий оламига кириб бориш, уни мустақил фикр юритишга, миллатнинг эса маънавий-руҳий оламини юзага чиқариш, унинг ўзини ўзи англашга, ўз мустақиллигини қўлга киритиш ва ўзи хоҳлаган тараққиёт йўлидан боришига йўл қўймаслик давлатнинг расмий сиёсати даражасига кўтарилган эди.

²⁵ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил, 34-35 бетлар.

Тўғри, миллий маданият ҳақида кўп ёзилган ва кўп гапирилган, аммо номи айтилса ҳам амалда «ягона» совет адабиёти, санъати, ахлоқи ва ҳақозолар шаклида акс эттирилган. Бундан кўзланган мақсад шахс ва миллатни маънавий қашшоқ қилиш, уни тоталитаризм тузумига хизмат қилдириш ва итоатда ушлаб туриш эди.

Шўроларнинг худди мана шу жирканч мақсадларини талаба ёшларга кенг тушунтириб беришга маърузачи эътиборини қаратиши зарур.

Маънавиятни шахс, миллат, давлат ва жамиятнинг қудратли кучи сифатида ўрганиш фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Уни бу шаклда ўрганиш эса ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик шароитидаги миллий тафаккур тараққиётимизда янги йўналишдир. Бу йўналишнинг пайдо бўлишини ва унинг концептуал ғояларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов номи билан боғлиқдир. Унинг асарлари, рисоалари, маърузаларида маънавият тушунчаси моҳияти очиб берилган. Бу маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай илгари сурилаётган ғояларнинг моҳияти очиб берилмас экан, унинг жамият тараққиётида миллат ва шахс камолотидаги ролини белгилаш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти миллий тараққиётимизнинг дастури даражасига айланган биринчи асари «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли» даёқ маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиб бериб шундай ёзган эди: «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчилик билан маънавият чашмасини излайди»²⁶.

Мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар ва унинг вазифаларини белгилаб беришда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти яна маънавиятни

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

ривожлантириш масаласига қайтиб шундай ёзади: «Моддий ислоҳатлар, иқтисодий ислоҳатлар - ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислоҳатлар - куллик, муътелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш - бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда»²⁷.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти маънавият тушунчаси мазмунини очиб берар экан: «Ёр, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик - маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг»²⁸ - деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарса эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Шу маънода ҳам Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти «Маънавият - тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол тапиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»²⁹ лигини таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти асарларини кунт билан ўрганиб борар экансиз, уларда олдинги асарларда илгари сурилган ғоялар кейингиларида ижодий ривожлантирилган, мазмунан ва моҳиятан бойитилганлигини кўрамиз. Энг асосийси шундаки, ана шу бойитиш жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг

²⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: Ўзбекистон, 1996, Т.1, 202-бет.

²⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

²⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 79-бет.

назарий асослари ўз ифодасини топган. Жумладан, у Олий Мажлиснинг XIV-сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» мавзусидаги маърузасида маънавий тушунчасига қуйидаги фундаментал таърифни беради: «Маънавий... инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган виждонини уйғотадиган қудратли ботиний қуч...»³⁰ дир.

Бу таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан маънавий тушунчасини ўзида тўла акс этган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлашдаги катта қуч эканлиги белгилаб берилган. Шу муносабат билан маънавийнинг жамиятни ривожланишидаги роли ҳақида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан келтирилган қуйидаги фикрларининг моҳиятини тушуниб олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалик вазифамизга айлантиришимиз миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳатларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир»³¹.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти маънавийнинг моҳиятини очиқ бериш билан бир вақтда бу соҳада амалга оширилиши керак бўлган ислоҳатларнинг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб беради. Шу жумладан, у «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида қуйидагиларни таъкидлайди: «... авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т: Ўзбекистон, 1999, 17-бет.

³¹ Ўша асар 18-бет.

тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишидир»³².

Бу кўрсатилган концептуал вазифаларни муваффақиятли амалга ошира олсак президентимиз томонидан жамиятни маънавий янгилаш борасида белгилаб берган кўрсатмаларини бажара олишимиз мумкин бўлади. Белгиланган бу вазифалар Ватанимиз ва миллатимиз истиқболи учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини тараққиётимизнинг ўтган даври тўла тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш концепциясининг жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримизча, уларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бу концепция собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий-маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлигини ва унинг сабабларини тушунишга;

иккинчидан, собиқ шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинояткорона хатти-ҳаракатларига қарамасдан, миллий-маънавий меросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳияти ва хусусиятларини сақлаб қололганлигини тушуниб етишга, худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч, қудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етишга;

учинчидан, ҳар бир миллат, у сон жиҳатдан кичикми, ёки каттами ундан қатъий назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатни миллий-маънавиятини сақлаб

³² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 й, 12-13 бетлар.

қолишга, уни ривожлантиришга ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизнинг мустақилликдек улуғ неъматни сақлаб қолиши учун фидойилик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис этишга имкон беради;

тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳиятини, «маънавият» тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чуқур ўзлаштириш, тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган «қуч - билим ва тафаккурда» - деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимиз;

бешинчидан, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислохатларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидойилик кўрсатиш зарурлигини;

олтинчидан, талаба ёшларнинг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий ғурур, ифтихор, фидойилик, ватанпарварлик, инсонийлик каби олийжаноб фазилатларни шакллантириш - мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шarti эканлигини тушуниб етиш;

еттинчидан, миллий истиқлол ғоянинг маъно ва мазмунини чуқур англашимизга, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгилашимиз борасидаги стратегик вазифаларимизнинг асосий йўналишларини ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидойилик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлиги кабилардир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқарилган миллий маънавий тикланиш илмий-назарий концепцияси жуда катта назарий, методологик ва амалий аҳамиятга эгадир. Бу концепция келажакда масалани яна ҳам чуқурроқ ўрганишимиз учун асос бўлади.

3-масала баёни. Ўзбек халқи 130 йилча мустамлакачилик истибдоди остида яшади. Бу давр мобайнида унинг миллий-маънавий мероси паймол этилди, тарихи сохталаштирилди, илмий, маданий бинобарин маънавий меросга ниглистик қараш ҳукм суриб чеклаб қўйилди. Халқимизнинг онги сал бўлмаса ижтимоий адолатсизлик, маънавиятсизлик, нопоклик ва ёвузликка қаршилик кўрсатолмай юввош яшайверишга кўникиб қолаётган эди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз тарихий-маънавий меросидан тўлақонли, эркин-эмин фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб келди.

Мустақилликка эришишимиздан аввал: ким Имом ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Имом ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Матрудий, ал-Марғиноний, Ғаззолий, Нақшбанд каби алломаларимизнинг номини тилга олар, улар қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш имкониятига эга эди?;

Ким Қуръони Каримни, Ҳадисларни, дину-исломни эркин ўқий ва ўргана оларди?;

Ким Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари маънавий маданиятимизнинг юлдузлари бўлган буюк зотлар номини эркин-эмин тилга олар эди?;

Ким Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Беҳбудий каби маърифатпарвар, миллатпарвар бўлган улуғ зотларни эслай оларди?;

Бу каби саволларнинг сон-саноғи йўқ. Мана шуларнинг ўзи ҳам миллий маънавиятимизнинг нақадар топталганлигини таъкидловчи мисоллардир.

Фақат мустақилликни қўлга олишимиз шарофати туфайлигина маънавий меросимизни, кўҳна ва навқирон тарихимизни ўрганиш, жаҳон

цивилизациясидаги муносиб ўрнимизни тиклаш ва демократик жамият куришдек бахтга мушарраф бўлдик.

Бундай имкониятларни қўлга киритишимизда халқимизнинг сеvimли фарзанди, улкан давлат ва сиёсат арбоби, етук олим, ватанпарвар ва миллатпарвар инсон Исом Каримовнинг етакчилиги ва раҳбарлиги роли асосий рол ўйнади.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги йиллар ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларига ўтиб бормоқдамиз, миллий маънавий покланиш ва тикланишимизнинг мураккаб вазифаларини вазминлик билан амалга оширмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг миллий маънавий тикланишимиз борасида қилган хизматлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг концептуал ғояларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган катта хизматлари ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикаимизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганлари, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини айтиш жоиз. Мустақиллик йилларида маънавий меросимиз раҳнамолари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги; Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллиги кенг нишонланди. 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йилликлари, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги, А.Қаҳҳорнинг 100 йиллиги нишонланишида бош-қош бўлганликларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилиниб кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадисларини чоп этиш тугалланди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» тўплами чоп этилди. Кўплаб Қуръони Карим шарҳларига оид китоблар ҳам чоп

этилганлигини ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ийди Рамазон ва Қурбон Ҳайит кунлари диний кадриятларимизнинг байрами сифатида нишонланмоқда. Наврўз умумхалқ байрами сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари кўплаб масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг номи қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда бекиёс маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлолимиз курашчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Бехбудий ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди, улар таваллуд топган кунлар умуммиллий байрам сифатида нишонланди.

Қатағон йилларида миллатимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида қурбон бўлган халқимизнинг ана шу севиқли фарзандларининг муборак номларини абадийлаштириш мақсадида Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Шаҳидлар ҳиёбони барпо этилди.

Узоқ тарихимиз, бой маданиятимиз, серқирра маънавиятимиздан гувоҳлик берувчи Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари 1997 йилда катта тантаналар билан нишонланди.

Вазирлар маҳкамасининг қарорига биноан халқимизнинг миллий қаҳрамони буюк ватанпарвар Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, халқимизнинг буюк мероси ҳисобланган «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, миллий-маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк давлат арбоби, фан ҳомийси Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг 190 йилликлари 1999 йилда кенг нишонланди.

Бу йил эса илоҳиёт илмининг дарғаси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг муборак юбилейи, келгуси йил яна бир улкан меросимиз ҳисобланган «Авесто»нинг 2700 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарликлар кетмоқда.

Ўзбек тилининг давлат тили даражасига айланиши борасида бир қатор ижодий ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат идораларида иш юритиш, шаҳарларда кўчалар ва жойларни номлашда тарихий ҳақиқат тикланмоқда. Маънавий меросимиз саналган кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима этилмоқда. Хуллас, мустақиллик йиллари биз учун ўзбек тилининг халқ ва давлат ҳаётидаги асосий аҳамияти ва ўрнини тиклаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу тариқа миллатнинг кадр-қиммати, мустақил давлатимизнинг кадр-қиммати мустаҳкамланди, мактаблар ва олий ўқув юртларида ўзбек тилини русийзабон ёшларнинг ўрганиши учун ҳам катта имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мустақиллик йиллари маънавиятимизнинг муҳим элементи ҳисобланган таълим ва тарбия тизимига миллий руҳ бағишлашда бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида «Таълим тўғрисида қонун», «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ва «Соғлом авлод дастури»нинг қабул қилиниши миллий маънавиятимизнинг юксалишида, мамлакатимизнинг келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, миллатимизнинг обрў-эътиборининг ошиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг иқтидорли 2000 дан ортиқ ёшлари ривожланган хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар. «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид», «Устоз» каби жамғармалар ҳам Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ташаббуси билан вужудга келди. Улар бугунги кунда таълим, тарбия ва миллий маънавиятимизни ривожлантириш ишларига катта ёрдам бермоқда. Энг муҳими бугунги кунда мустақиллигимиз таъминланди, миллатимиз қадрини, ғурурини, ор-

номусини, миллий-маънавий меросимизни тиклаш борасидаги ҳаракатимиз Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти раҳнамолигида ҳақиқатга айланди.

Бу ҳақиқат. Бундан ҳеч ким, хатто муҳолифларимиз ҳам кўз юмолмайди. Бу муваффақиятларимиз ўтмишда фақат орзу эди, холос. Қилинган ишлар, маънавий меросимизни ўзлаштириш, миллий ўзлигимизни англаш ва бошқа кўплаб маънавий ҳаётимизда содир этилган ўзгаришлар мустақиллигимизнинг меваси ҳисобланади.

Шунинг билан бир қаторда миллий-маънавий тикланиш борасида кўлами жиҳатидан жуда катта вазифалар турибди. Биз миллатимиз тарихи ва меросини чуқур ўрганишимиз лозим бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз»³³.

Юқорида келтирилган ютуқларни қўлга киритишимизни халқимиз адолатли равишда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти номи билан боғлайди.

Миллий-маънавий тикланишимиз борасида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан амалга оширилган муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар қаторига яна қуйидагиларни қўшиш лозим бўлади:

а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий концепциясини ишлаб чиққанлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг XXI асрдаги вазифаларини белгилаб берганлиги;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг фақат миллий, ижтимоий-маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумижтимоий-фалсафий

³³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 9-бет.

тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади.

Ислом Каримов томонидан амалга оширилган барча ишлар халқимизнинг қаддини кўтармоқда, ўзлигини англашга ва мамлакатимизнинг ривожланишига хизмат қилмоқда, миллатимиз абадийлигини мустаҳкамламоқда.

Мазкур мавзуда маъруза ўқилганда юқорида келтирилган ҳар бир ғоянинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришда муаллим масалани ҳар томонлама кенгайтирган ҳолда талабаларга етказишга эътиборини қаратиши лозим бўлади. Энг муҳими, талабалар ўқилган маърузадан келиб чиққан ҳолда, кўтарилган масалаларни кенгроқ, чуқурроқ ўрганиб, амалий машғулотларда, реферат ёзишда мустақил фикр юритиш ҳамда чуқур ўзлаштиришлари лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Маънавият тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беринг?
2. Маънавиятнинг шахс, миллат, жамият ҳаётидаги ўрни нимада?
3. Маънавиятнинг асосий тушунчаларига нималар киради?
4. Маънавият тараққиётининг қандай асосий қонунларини биласиз?
5. Маънавиятни ривожлантириш ҳозирги даврда давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиш сабаблари нимада деб биласиз?
6. Миллий-маънавий тикланиш деганда нимани тушунасиз?
7. Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланиш концепциясини ишлаб чиққанлигини нималарда кўрсатиб бера оласиз?
8. Ислом Каримов томонидан «маънавият» тушунчасига берилган таърифнинг моҳияти нимадан иборат?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 25 август // Халқ сўзи. // 2006, 26 август.

3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
4. Каримов. И.А.Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010
5. Отамуротов С., Раматов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
6. Имомназаров М., Саидов М. Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари. Ўқув қўлланма. – Т.:“Akademiya, 2005
7. Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Cho’iron номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006.
8. Миллий маънавиятимиз асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2006.
9. Абдурахмонов М., Отамуротов С., Маънавий салоҳият. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2009.
- 10.Хамдамова М. Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008.